

**“DORI-DARMON” Акциядорлик компанияси**  
**Акциядорларнинг йиллик ҳисобот умумий йиғилиши**  
**1-сон БАЁННОМАСИ**

**Тошкент шаҳри**

**2017 йил 19 май**

Умумий йиғилиш ўтиш жойи: **«DORI-DARMON»** **акциядорлик компанияси Бош офиси, Чорсу майдони, 21.**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00.**

Компаниянинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони - **20 072 000.**

АК «DORI-DARMON» акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) Компания Кузатув кенгаши томонидан 2017 йил 25 апрелда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана – **2017 йил 15 май.**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддаси ҳамда Компания Уставига мувофиқ, Кузатув кенгаши раиси ёки у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Йиғилишни Компания Кузатув кенгаши аъзоси А.Э.Миралиев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, Йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси У.М.Юлдашевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Марказий Депозитарий томонидан 2017 йил 15 май ҳолатига шакллантирилган «DORI – DARMON» Акциядорлик компанияси акциядорлар реестрига мувофиқ, Йиғилишда овоз бериш учун 2 545 та акциядорга тегишли 20 072 000 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 16 557 615 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 58та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 82,49% ни ташкил этади.

Шундан кейин, Раислик қилувчи А.Э.Миралиев ҳисобот умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва ишчи президиум сайлаш таклифи билан акциядорларга мурожаат қилди. А.Э.Миралиев 3 (уч) кишидан иборат қуйидаги таркибда Йиғилиш президиумини сайлашни таклиф қилди:

1. А.Э.Миралиев – Кузатув кенгаши аъзоси;
2. Д.Б.Шагазатов – Кузатув кенгаши аъзоси, Давлатнинг ишончли вакили;
3. А.А. Камиров – Компания Бошқарув раиси.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

**Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш президиуми қуйидаги таркибда сайлансин:

1. А.Э.Миралиев – Кузатув кенгаши аъзоси;
2. Д.Б.Шагазатов – Кузатув кенгаши аъзоси, Давлатнинг ишончли вакили;
3. А.А. Камиллов – Компания Бошқарув раиси.

Шундан сўнг, раислик қилувчи А.Э.Миралиев Йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб, З.З. Назаровни сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

**Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш котиби этиб, З.З. Назаров тасдиқлансин.

Шундан кейин, раислик қилувчи А.Э.Миралиев Йиғилиш регламентини ўқиб эшиттирди ва уни тасдиқлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

**Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Э.Миралиев Йиғилиш Кун тартибини эълон қилди.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Санок комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгашининг 2016 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тинглаш.
3. Компания бошқарувининг 2016 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотинининг хулосаси ва аудитнинг халқаро стандартлар бўйича хулосасини тасдиқлаш.
6. Тафтиш комиссиясининг 2016 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. 2016 йил яқунлари бўйича компаниянинг соф фойдасини тақсимлаш ва оддий акцияларига йиллик дивидендлар тўлаш.
8. Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташкилот хулосасини маъқуллаш.
9. Компания кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
11. Компания бошқарув раисини сайлаш (у билан тузиладиган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш).
12. Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
13. Акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендлар бўйича муддати ўтган қарздорликларни Компания даромадига олиш.
14. Компания Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

**15. Компаниянинг ўз аффилиланган шахслари билан тузган битимларни маъқуллаш.**

**16. Компания Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш.**

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги 1-масала юзасидан** Йиғилиш раиси А.Миралиев сўзга чиқиб, Компания Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси аъзоларини тасдиқлашни таклиф қилди. Компания санок комиссиясининг холисона ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида унинг таркибига, инвестиция маслаҳатчиси “CAPITAL DEPOSIT” МЧЖ ходимлари Юлдашев Улуғбек Михлибаевич, Қосимов Умиджон Содиқович ва Турғунов Жаҳонгир Аҳаджонович жалб қилинган.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- 1) Юлдашев Улуғбек Михлибаевич;
- 2) Қосимов Умиджон Содиқович;
- 3) Турғунов Жаҳонгир Аҳаджонович.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 552 532та овоз, **99,969%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 500та овоз, 0,003%.

**Кун тартибидаги 2-масала юзасидан** Йиғилиш раиси А.Миралиев сўзга чиқиб, Компания Кузатув кенгашининг 2016 йил иш фаолияти бўйича, ўтказилган мажлислар сони, қабул қилинган қарорлар ва улар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди (ҳисобот матни илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Кузатув кенгашининг 2016 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 553 032та овоз, **99,972%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

**Кун тартибидаги 3-масала юзасидан** Компания бошқарув раиси А.Камилов сўз олди ва Компаниянинг 2016 йил натижалари бўйича йиллик ҳисоботини акциядорларга тақдимот қилди (ҳисобот илова қилинади).

Йиғилиш раиси, Компания бошқарувининг йиллик ҳисоботи Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда 2017 йил 27 мартдаги мажлисида дастлабки тасдиқланганлигини маълум қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компания бошқарувининг 2016 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 553 032та овоз, **99,972%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

*Кун тартибидаги 4-масала юзасидан* Компания бош бухгалтери Ш.З.Зокиров сўзга чиқиб, Компаниянинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

Овозга қўйилган масала:

1. Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 553 032та овоз, **99,972%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

*Кун тартибидаги 5-масала юзасидан* “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти ходими А.Юнусов сўзга чиқиб, Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ва аудитнинг халқаро стандартлар бўйича ташқи аудиторлик ташкилоти текшируви “PKF MAK ALYANS” МЧЖ томонидан амалга оширилиб, ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшируви ва аудитнинг халқаро стандартлар бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини ўқиб эшиттирди (хулосалар илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси ва аудитнинг халқаро стандартлар бўйича хулосаси тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 553 032та овоз, **99,959%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 2 183 та овоз, 0,013%.

*Кун тартибидаги 6-масала юзасидан* Компания тафтиш комиссияси аъзоси Д.К.Йулдошев сўзга чиқиб, Компания тафтиш комиссиясининг 2016 йил яқунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (Тафтиш комиссияси ҳисоботи илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Тафтиш комиссиясининг 2016 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 553 032та овоз, **99,972%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

*Кун тартибидаги 7-масала юзасидан* Компаниянинг бош бухгалтери Ш.Зокиров сўзга чиқиб, Компаниянинг 2016 йил якунлари бўйича олинган соф фойдаси 28 529,245 млн. сўмни ташкил этганлиги, Компания Кузатув кенгашининг тавсиясига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли кўрсатмаси асосида, ушбу кўрилган соф фойдани қўйидагича тақсимлаш таклиф қилинди:

- 5,0 % ёки 1 426,462 млн. сўм компания уставига асосан унинг захира фондига;
- 50,66% ёки 14 451,840 млн. сўм - дивиденд тўловига (1 дона оддий акцияга 720 сўм дивиденд);
- 44,34 % ёки 12 650,943 млн.сўм - компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга.

Компаниянинг 2016 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 720 (етти юз йигирма) сўм миқдорида йиллик дивидендларни пул кўринишида тўлаш таклиф этилди.

Юридик шахсларга уларни банк ҳисоб рақамларига, жисмоний шахсларга эса – нақд пул, уларнинг банк пластик карточкаларига ва банк кассалари орқали тўлаб берилишини ва ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичида тўланиши, шунингдек дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2017 йил 29 май, тугатиш санаси 2017 йил 18 июл этиб белгиланишини таклиф қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компаниянинг 2016 йил бўйича 28 529,245 млн. сўм миқдоридаги соф фойдаси қўйидагича тақсимлансин:

- 5,0 % ёки 1 426,462 млн. сўм компания уставига асосан унинг захира фондига;
- 50,66% ёки 14 451,840 млн. сўм - дивиденд тўловига (1 дона оддий акцияга 720 сўм дивиденд);
- 44,34 % ёки 12 650,943 млн.сўм - компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга.

2. Компаниянинг 2016 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 720 (етти юз йигирма) сўм миқдорида йиллик дивиденд тўлансин. Дивидендлар пул кўринишида тўлансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичида тўлансин.

4. Дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2017 йил 29 май, тугатиш санаси 2017 йил 18 июл этиб белгилансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 553 032та овоз, **99,972%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

**Кун тартибидаги 8-масала юзасидан** Компания корпоратив консултантани О.Кадиров сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш мақсадида 2017 йил 3 февралда Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида, “Дори-Дармон” АК корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари амалга оширилди.

Корпоратив бошқарув илмий-таълим Марказининг 2017 йил 7 февралдаги Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулосасига асосан, Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизими баҳоси “Юқори” 1006 баллни (84%) ташкил этганлигини маълум қилди.

Шунингдек, мазкур масала Компания Кузатув кенгашининг 2017 йил 25 апрелдаги 17/3-сонли мажлисида кўриб чиқилди ва маъқуллаш учун акциядорлар умумий йиғилишга тавсия этилганлигини маълум қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташкилот хулосаси маъқуллансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 553 032та овоз, **99,972%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

**Кун тартибидаги 9-масала юзасидан** Компаниянинг ички аудит хизмати бошлиғи О.Тохиров сўзга чиқиб, Компания акциядорлари томонидан Компания Кузатув кенгаши таркибига таклиф этилган Кузатув кенгашига номзодларни ўқиб эшиттирди ва улар бўйича тўлиқ ахборот берди.

№	Номзодлар	Доимий иш жойи
1	Аминов Рустам Анварович	Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раиси ўринбосари
2	Вахпиев Юнус Сулайманович	«MFS-Servis» МЧЖ таъсисчиси
3	Липатов Аваз Ашрапович	«Chester Trading & Investments» LLC компанияси вакили

4	Миралиев Алишер Эркинович	Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Давлат активларини бошқариш маркази директори в.в.б.
5	Мустафаев Зафар Бурибаевич	"Ўзбек Лизинг Интернешнл А.Ж." ҚКАЖ бошқаруви раиси
6	Рахматуллаев Бекзод Раджапбоевич	Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бош бошқарма бошлиғи
7	Ташмурадов Шухрат Маматкулович	Олмалиқ ТКМК Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси раҳбари
8	Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич	«Делфилд маркетинг Лтд.» МДХ давлатлари бўйича бош вакили
9	Шагазатов Дониер Бахтиярович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси, Давлатнинг ишончли вакили

Саноқ комиссияси вакили У.М.Юлдашев кумулятив овоз бериш тартибини акциядорларга тушунтирди.

**Кумулятив овоз бериш натижалари:**

1. **Аминов Рустам Анварович** – 16 542 724 та овоз, **сайланди.**
2. **Вахпиев Юнус Сулайманович** – 16 593 284 та овоз, **сайланди.**
3. **Липатов Аваз Ашрапович** – 16 698 161 та овоз, **сайланди.**
4. **Миралиев Алишер Эркинович** – 16 502 294 та овоз, **сайланди.**
5. **Мустафаев Зафар Бурибаевич** – 16 584 809 та овоз, **сайланди.**
6. **Рахматуллаев Бекзод Раджапбоевич** – 16 491 849 та овоз, **сайланди.**
7. **Ташмурадов Шухрат Маматкулович** – 16 484 149 та овоз, **сайланди.**
8. **Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич** – 16 532 214 та овоз, **сайланди.**
9. **Шагазатов Дониер Бахтиярович** – 16 498 304 та овоз, **сайланди.**

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича овоз бериш тартиби бузилганлиги учун 49 500 та ва бир донга топширилмаган бюллетендаги 41 247 та кумулятив овозлар ҳисобга олинмади).

Кун тартибидаги 10-масала юзасидан Компаниянинг ички аудит хизмати бошлиғи О.Тохиров сўзга чиқиб, Компания акциядорлари томонидан Компания тафтиш комиссияси таркибига таклиф этилган номзодлар рўйхатини ўқиб эшиттирди ва улар бўйича тўлиқ ахборот берди.

№	Номзодлар	Доимий иш жойи
1	Абдулкасимов Шерзод Исамахамадович	Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик суди судьяси

2	Джураев Шерзод Азимович	Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бош мутахассиси
3	Назаров Ўктам Сулайманович	“Дори-Дармон Гарант” МЧЖ бош бухгалтери
4	Эшбоев Ёркул Норқулович	“Дори-Дармон Гарант” МЧЖ бош бухгалтери

Муҳокама қилинди.

Саноқ комиссияси вакили У.М.Юлдашев овоз бериш тартибини акциядорларга тушунтирди.

**Овоз бериш натижалари:**

**1. Абдулкасимов Шерзод Исамахамадович**

Тарафдор – 16 498 766 та овоз **99,645%**, қабул қилинди;

Қарши – 53 366 та овоз, 0,322%;

Бетараф – 900 та овоз, 0,005%.

**2. Джураев Шерзод Азимович**

Тарафдор – 16 468 395 та овоз, **99,461%**, қабул қилинди;

Қарши – 83 737 та овоз, 0,506%

Бетараф – 900та овоз, 0,008%

**3. Назаров Уктам Сулаймонович**

Тарафдор– 16 531 833 та овоз, 99,844%, қабул қилинди;

Қарши - 3 583 та овоз, 0,022%,

Бетараф– 17 616 та овоз, 0,106%.

**4. Эшбоев Ёркул Норқулович**

Тарафдор – 205 442 та овоз, 1,241%, қабул қилинмади.

Қарши – 16 346 290 та овоз, 98,724%;

Бетараф – 1 300 та овоз, 0,008%.

*Кун тартибидаги 11-масала юзасидан* Кузатув кенгаши аъзоси А.Миралиев сўзга чиқиб, «DORI-DARMON» АК ижро органи раҳбари лавозимига номзодларни танлаш Регламенти ва Номинация бўйича қўмита қарорига мувофиқ, Компания ижро органи раҳбари лавозимига номзодларни танлаш бўйича эълон берилиб, жами 2та номзодлар таклифлари олинган. Мазкур таклиф Компания Номинация бўйича қўмитаси томонидан Регламент саволномаси асосида кўриб чиқилиб, энг кўп балл олган Компания бошқарув раиси Камилов Абдуғани Абдурахмонович номзоди таклиф қилинди. Ушбу масалада Давлат рақобат қўмитасининг Давлат активларини бошқариш маркази томонидан ёқлаб овоз бериш тўғрисида тегишли кўрсатма олинганлигини маълум қилди.

Шунингдек, 2016 йил учун тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларини ортиғи билан бажарилганлигини ҳисобга олиб, бошқарув раиси Камилов Абдуғани Абдурахмонович билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш масаласини акциядорлар умумий йиғилишига таклиф қилди.



Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компания бошқарув раиси Камилов Абдуғани Абдурахманович билан тузилган меҳнат шартномаси бир йилга узайтирилсин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 553 032 та овоз, **99,972%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

*Кун тартибидаги 12-масала юзасидан* Компания бошқаруви раиси ўринбосари С.Насретдинов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармони талабларига ва Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ, шунингдек ҳозирги кунда импорт ўрнини босувчи дори воситаларига Ҳукуматимиз томонидан кучли эътибор қаратилаётганлиги ва бу соҳада ишларни жадал ривожлантиришни инобатга олиб, Компания структурасида янги бўлим ташкил қилиш, яъни маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари билан таъминланишни ташкил этиш бўлими тузиш ҳамда молия бўйича директор лавозимини тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этилди.

Мазкур масала Компания Кузатув кенгаши томонидан 2017 йил 25 апрелдаги 17/3-сонли мажлисида атрофлича муҳокама қилинганлигини маълум қилди (Компания ташкилий тузилмаси лойиҳаси илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компаниянинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор - 16 544 023 та овоз, 99,918%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф - 9 009 та овоз, 0,054%.

*Кун тартибидаги 13-масала юзасидан* Компаниянинг бош бухгалтери Ш.Зокиров сўзга чиқиб, Компаниянинг аввал ҳисобланган дивидендлари бўйича муддати ўтган қарздорликлар юзасидан маълумот берди. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасига мувофиқ, *эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолиши белгиланган.*

Шунга асосан, 2011-2013 йиллар якунлари бўйича ҳисобланган ва талаб қилиш муддати ўтган 24 674 236,60 сўм миқдоридаги дивидендларни Компания даромадига олиш масаласи таклиф этилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компаниянинг 2011-2013 йил яқунлари бўйича ҳисобланган ва талаб қилиш муддати ўтган 24 674 236,60 сўм миқдоридagi дивидендлар Компания ихтиёрида қолдирилсин ва Компаниянинг даромадига олинсин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 549 949 та овоз, 99,954%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 3 083 та овоз, 0,019%.

*Кун тартибидagi 14-масала юзасидан* Компания юридик хизмати вакили Д.Ахматов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-411-сонли қонуни билан “Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги ва Корпоратив кодексни жорий этилиши муносабати билан Компания уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини ва мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Компания Кузатув кенгашининг 2017 йил 25 апрелдаги 17/3-сонли мажлисида атрофлича муҳокама қилинганлигини маълум қилди. Мазкур масала акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун ҳавола қилинмоқда.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

**Овозга қўйилган масала:**

1. Компания Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 553 032 та овоз, 99,972%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз;

Бетараф – 0 та овоз.

*Кун тартибидagi 15-масала юзасидан* Компаниянинг ривожлантириш, инвестициялар ва корпоратив бошқарув бўлими бошлиғи З.Назаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 9-бобига кўра, жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузиладиган битимлар тегишли жамият органи томонидан маъқулланиши лозим. 2016 йил 3 июндан 2017 йил 19 майгача бўлган давр мобайнида Компания томонидан 12та битим тузилган бўлиб, уларнинг устав фондида “Давлат активларини бошқариш маркази” ДУКнинг 20%дан ортиқ улуши бўлган корхоналар ҳисобланади (илова қилинади). Мазкур битимлар ўрнатилган тартибда Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган бўлиб, лекин Кузатув кенгаши таркибида Давлатнинг вакиллари бўлганлиги сабабли, ушбу битимлар акциядорлар умумий йиғилишида маъқулланиши лозим. Шунинг учун бу масала маъқуллаш учун акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун ҳавола қилинмоқда.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

**Овозга қўйилган масала:**

1. Компаниянинг ўз аффилиланган шахслари билан тузган битимлари маъқуллансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 544 023 та овоз, **99,918%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 9 009 та овоз, 0,054%

*Кун тартибидаги 16-масала юзасидан* Компаниянинг ривожлантириш, инвестициялар ва корпоратив бошқарув бўлими бошлиғи З.Назаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 9-бобига кўра, жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузиладиган битим тегишли жамият органи томонидан маъқулланиши лозим. Компаниянинг ҳозирги кунда 259та аффилиланган шахси мавжуд бўлиб, шулардан 222тасининг устав фондида “Давлат активларини бошқариш маркази” ДУКнинг 20%дан ортиқ улуши бўлган корхоналар ва тизимдаги акциядорлик ҳамда масъулияти чекланган жамиятлар ҳисобланади. Улар билан Компания кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда битимни (битимларни) тузилиши акциядорлар умумий йиғилишида маъқулланиши лозим.

Шунинг учун, ушбу масала маъқуллаш учун акциядорлар умумий йиғилишига ҳавола қилинмоқда (Аффилиланган шахслар рўйхатини илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

**Овозга қўйилган масала:**

1. Компания Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузиши маъқуллансин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор – 16 544 023 та овоз, **99,918%**, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 9 009 та овоз, 0,054%.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгандан сўнг, Йиғилиш раиси А.Миралиев бюллетенлар бўйича овоз бериб, санок комиссиясига топширишни сўради.

Овозлар санаб чиқилганидан сўнг, санок комиссияси раиси У.М.Юлдашев овоз бериш натижаларини эълон қилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари эълон қилинганидан сўнг, овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар эълон қилинди.

## ҚАРОР ҚИЛДИ:

### **Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:**

1. Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- 1) Юлдашев Улуғбек Михлибаевич;
- 2) Қосимов Умиджон Содикович;
- 3) Турғунов Жаҳонгир Аҳаджонович.

### **Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:**

1. Кузатув кенгашининг 2016 йил яқунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

### **Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:**

1. Компания бошқарувининг 2016 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

### **Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:**

1. Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

### **Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:**

1. Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси ва аудитнинг халқаро стандартлар бўйича хулосаси тасдиқлансин.

### **Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:**

1. Тафтиш комиссиясининг 2016 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

### **Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:**

1. Компаниянинг 2016 йил бўйича 28 529,245 млн. сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 5,0 % ёки 1 426,462 млн. сўм компания уставига асосан унинг захира фондига;
- 50,66% ёки 14 451,840 млн. сўм - дивиденд тўловига (1 дона оддий акцияга 720 сўм дивиденд);
- 44,34 % ёки 12 650,943 млн.сўм - компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга.

2. Компаниянинг 2016 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 720 (етти юз йигирма) сўм миқдорида йиллик дивиденд тўлансин. Дивидендлар пул кўринишида тўлансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичида тўлансин.

4. Дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2017 йил 29 май, тугатиш санаси 2017 йил 18 июл этиб белгилансин.

### **Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:**

1. Компаниянинг 2016 йил яқунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташкилот хулосаси маъқуллансин.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:**

1. Компания Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

1. Аминов Рустам Анварович;
2. Вахпиев Юнус Сулайманович;
3. Липатов Аваз Ашрапович;
4. Миралиев Алишер Эркинович;
5. Мустафаев Зафар Бурибаевич;
6. Рахматуллаев Бекзод Раджапбович;
7. Ташмурадов Шухрат Маматкулович;
8. Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич.
9. Шагазатов Дониер Бахтиярович.

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:**

1. Компания тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

1. Абдулкасимов Шерзод Исамамадович;
2. Джураев Шерзод Азимович;
3. Назаров Уктам Сулаймонович.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:**

1. Компания бошқарув раиси Камилов Абдуғани Абдурахманович билан тузилган меҳнат шартномаси бир йилга узайтирилсин.

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича:**

1. Компаниянинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича:**

1. Компаниянинг 2011-2013 йил яқунлари бўйича ҳисобланган ва талаб қилиш муддати ўтган 24 674 236,60 сўм миқдоридagi дивидендлар Компания ихтиёрида қолдирилсин ва Компаниянинг даромадига олинсин.

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича:**

1. Компания Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича:**

1. Компаниянинг ўз аффилиланган шахслари билан тузган битимлари маъқуллансин.

**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича:**

1. Компания Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузиши маъқуллансин.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси А.Миралиев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2017 йил 29 май куни икки нусхада тузилди.